



## Ислом Нури

Дўстлар ўлимидан қайғурар бўлсанг,

Аянчли ажалдир, гар ўзинг ўлсанг.

У ҳушидан кетиб ерга йиқилди. Бу биринчи маротаба эмас. У икки йил илгари турмушга чиққандан бери руҳий эзилишдан азоб чекади. Унга, “У яхши одам”, - деб айтишганди, - “Дин ишларини ўзлаштириб, жамоат намозларига риоя қилишлиги учун сен унга таъсир қила оласан...” “Эй қизим, кичкина синглинг сендан олдин турмушга чиқди. Бу йигитни сенга лойиқ деб биламан”.

Онам мана шу йигитга қаттиқ туриб олди. Унинг ҳолати яхши. Таниқли оиладан ва унинг хизмат вазифаси яхши.

Мени қизиқтирмайдиган ялтироқ кўринишлар...

Мен динидан сўрадим, бу мени қизиқтирадиган нарса, яхшилик ва тоатда менга ёрдам берадиган диндор кишини хоҳлайман. Агар у мени яши кўрса, ҳурмат қилади, ёмон кўрса, чиройли сўз билан живобимни беради. Хулқи ва дини камлиги учун эрларнинг зулми ва уларнинг хотинлари билан бўладиган муаммолари ҳақида ўта ачинарли ҳикояларни жуда кўп эшитганман.

Мен тун ярмида намозга уйғотадиган кишини орзу қилардим. Менга тоатимда ёрдам берадиган ва мен билан Аллоҳнинг ризолигида яшайдиган, биргаликда Аллоҳ томонга юзланиб борадиган, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва унинг пок саҳобаларининг изидан биргалашиб эргашадиган кишини менга насиб қилишини, тун қоронғиларида йиғлаб, Аллоҳдан дуо қилиб сўрардим.



## Ислом Нури

Мен фарзандларимга тўғри исломий тарбия берадиган кишини орзу қилардим, гўё мен улар масжидга кетаётган ҳолларида, у билан ўғлимга орқаларидан эшик остонасида тикилиб қараб турсам. Эримнинг “Бугун Қуръондан қанча ёдладинг ва неча пора ўқидинг”,- деган сўзи қулоғим остида такрорланиб туришини Аллоҳдан дуо қилиб сўрардим. Болам билан Каъбанинг олдида туриб, эримнинг ҳаққига яхши дуолар қилишни орзу қилардим. Кўпинча мен шунақанги орзуларни қилиб ўзимни овутардим.

Ҳар ҳолда Аллоҳга шукр, эримга сабр қилдим, савоб умид қилдим. Бошида у намозга турарди. Кунлар ўтиши билан дангасалик қила бошлади.

“Нима истайсан, Аллоҳ кечирувчи, раҳмли зот!...”

Кейин ўқийман!...

Вақт эрта!...”

Бу мен вақти ўтиб кетмаслиги учун жамоат намозига уни ундаган вақтимда бўладига тез рад жавоби.

“Унга қаттиқ туришим билан у яхши томонга ўзгаряптику”,- деб ҳеч бўлмаганда мана шундай яхши умид қилиб қўяман.

Мен унинг ёмон дўстларидан кўрқардим. У уларнинг биттаси ҳақида гапириб берган. Унга уларнинг таъсир қилишидан кўрқадиган бўлиб қолдим. Унга қилаётган насиҳатимдан кўра фойдалироқ йўл ҳақида ўйлардим.

Улардан таъсирланиши учун нимага мен уни диндор йигитлар билан



## Ислом Нури

таништирмайман. Дугонамнинг эри пок, ибодатига мустаҳкам, тақводор йигит, иншааллоҳ.

Тезда унга кўнғироқ қилдим. Дугонам менинг фикримни маъқуллади ва эрини бунга кўндирди. Мен эримга дугонам турмуш ўртоғи билан бизни кўришга келишини айтдим. Дугонам эри билан келди. Хурсандликдан юрагим қаттиқ урарди. Шояд Аллоҳ унинг қалбига бу кишининг муҳаббатини солса. Зиёрат вақти чўзилган сари юрагимнинг уриши қаттиқлашиб борарди.

Эшикнинг олдида дугонам билан хайрлашдим. Тезда эримнинг олдига кирдим. Бармоқларимни қаттиқ қисган ҳолда ўтирдим. Унинг бирон нарса дейишини кутардим. Унинг кўзларига қарадим. У — “Очиқ кўнгил ва яхши хулқли йигит экан”, - деди. Лекин эрим уларга ваъда берганидек зиёратга жавоб тариқасида уларникига боришга ва улар билан яна учрашишга иштиёқ билдирмади. Мен турли услуб ва йўллар билан жамоат намозларига қатнашишида унга ёрдам беришга уриндим. Мана ҳозир ундан ўғил кўрганимдан кейин қатъийлигим янада зиёда бўлди.

Узун кечаларни ёлғиз, ухламасдан ўтказаман. У дўстлари билан хоҳлашиб, кулиб ўтиради, мен эса болам билан йиғлаб чиқаман. Унга ҳидоят сўраб кўп дуо қилдим. Тунги намозни ётоқхонамизда, унинг ёнида ўқишга қарор қилдим. Шояд унинг қалби уйғонса... Баъзида уйғониб, менинг намоз ўқиётганимни кўради. Кундузи унинг намозимнинг узунлигидан таъсирланганини сезаман.

Бир куни кечқурун у менга кийимларини ҳозирлашимни айтди. Қайсидир шаҳарга иш сафарига бораркан. Унинг рост гапини ёлғонидан ажрата олмайман. Кўпинча сафарга кетади ва бизга



## Ислом Нури

қўнғироқ қилмайди. Баъзида қўнғироқ қилиб, хонаси ва телефонининг рақамини беради. Агар қўнғироқ қилса, у қаердалигини биламан, лекин кўпинча қаерга кетаётганини билмай қоламан. Аммо мен мусулмон ҳақида яхши гумон қиламан, иншааллоҳ. У сафардалиқ вақтида унга алоҳида дуо қиламан. Сафарга кетган кунининг эртасига бизга қўнғироқ қилди. “Бу телефон номерим...” Аллоҳга шукр... У ўз юртимизда эканидан хотиржам бўлдим. Унинг овози уч кун узилиб қолди. Ниҳоят тўртинчи кун унинг овози келди. Уни танимай қолишимга сал қолди... Қайғули овоз...

- Сизга нима бўлди?

- Иншааллоҳ бу кеча қайтаман.

Шу кечаси унинг йиғисининг кўплигидан ухлай олмадим. “Сизга нима бўлди?” У гўдакка ўхшаб йиғлашга тушиб кетди. Кейин унга қўшилиб мен ҳам йиғладим. Унга нима бўлганини билмасдим... Узун жимлик ҳукм сургандан кейин, у менга термула бошлади. Кўзларидан шашқатор ёш оқарди. Охирги кўз ёшини арта туриб шундай деди:

Субҳаналлоҳ! ишдаги шеригим билан бирга баъзи ишларни бажариб келиш учун сафарга чиқдик. Ёнма-ён иккита хонага жойлашдик. Бизни фақат битта девор ажратиб турарди. Ўша кеча кечки овқатни едик. Дастурхон устида ҳар хил мавзуларда суҳбатлашдик, кўп кулишдик. Бизнинг уйқумиз келмасди. Шаҳар бозорларини айландик. Икки соат оёқларимиз юришдан тўхтамади ва кўзларимизни ҳаромлардан тиймадик. Кейин қайтиб келиб, эрталаб ишни охирига етказишга келишиб ажрашдик. Мен яхши ухладим. Етти яримда бомдод намозини ўқидим. Уйғотиш учун унга қўнғироқ қилдим, жавоб бермади. Қайта уриндим. Эҳтимол у душхонада бўлса... Эндигина олиб



## Ислом Нури

келинган сутдан бир стакан ичдим. Яна қўнғироқ қилдим... Жавоб йўқ... Соат саккиз бўлибди. Иш вақтидан кеч қолдик. Эшикни тақиллатдим... Жавоб йўқ. Меҳмонхонанинг қабулхонасига қўнғироқ қилдим, эҳтимол у чиқиб кетгандир. Лекин улар: “У ўз хонасида”, - деб жавоб бердилар. Текшириш учун эшикни очишдан бошқа чора қолмади. Бу ҳолат одамни даҳшатга соларди...

“Хонанинг эҳтиёт калитини олиб келдилар”.

Хонага кирдик, у ухляпти. Уни чақирдим.

— “Эй Солиҳ!”

— Иккинчи марта уни чақирдим... Унга яқинлаша туриб, овозимни баландроқ кўтардим. Ухляпти, лекин у тилини тишлаб олган ва ранги ўзгарган...

Уни чақирдим.

— Кўпроқ яқинлашдим. Ҳаракат йўқ...

Тиббий экспертизага кўра у тасодифий юрак хуружи билан кеча вафот қилган. Қани соғлиқ, саломатлик ва ёшлик?! Кеча биз бирга юрганимизда ҳеч нарсадан шикоят қилмагани, унинг касали йўқ эди ва ҳечам касалликдан шикоят қилмасди.

Ўзимни қайта ҳисоб-китоб қилдим. Мана бу тасодиф ўлим. Унинг қачон келишини билмаймиз, балким, огоҳлантирмасдан келар.

Ўзимга ўзим дедим: мен Солеҳнинг ўрнида бўлиб қолишим мумкин эди-ку!



## Ислом Нури

Аллоҳга нима билан рўбарў бўламан?

Қани менинг амалим?

Нима қилдим?... Умуман ҳеч нарса.

Мен Аллоҳнинг ҳаққини адо қилишда бепарво эканлигимни билдим.

Эрим жим бўлиб қолди. Йиғлади... Мени ҳам йиғлатди... Кейин бирга қўшилиб йиғладик.

Бу ҳидоят учун Аллоҳга кўп ҳамду санолар айтдим.

Ундан кейин ўзим орзу қилганимдек, ёки ундан ҳам яхшироқ ҳаёт кечира бошладик. Келаси ҳафта унинг ҳидоятига қилган ҳаракатим ва ғайратим учун у менга раҳмат айтди ва менга дин аҳкомларига астойдил амал қилиш билан ҳаётимизда янги саҳифани бошлашимиз ва умра қилиш учун ҳафтанинг охирида Маккага боришимизни айтди. Хурсандликдан учиб кетай деяпман, чунки мен турмушга чиққанимдан бери Маккага бормаганман...

Ўша куннинг чошгоҳида ҳарамга бордим. Ёз вақти... Одам оз... Аллоҳ орзу қилган нарсаларимни рўёбга чиқарди. Болам билан Каъбанинг олдида турдим. Лекин мен эрим учун дуо қила олмадим, чунки мен йиғлардим, ҳатто кўп йиғлаганимдан юрагим уришдан тўхтаб қолай деди.

Эртанги кун...

Иншааллоҳ, бугун видолашув тавофини қиламиз ва бу Муқаддас ерни тарк этамиз... Видолашув тавофидан кейин сафарга ҳозирлик кўриш



## Ислом Нури

учун ҳарамдан қайтиб келдик.

- Қўлингиздаги нима?- дедим.

- Бу Ибн Ражабнинг “Жомиъул улуми вал-ҳикам” номли китоби. Бу Ибнул Қайюмнинг “Алвобилус-саййиб” китоби, бу ҳам Ибнул Қайюмнинг “Зодул-маъод фи ҳадйи хойрил ибаад” китоби, бу “Ал жавобул кафий лиман саала анид-давоиш шофий” китоби ва мана бу эса кичик ҳажмдаги Қуръони Карим. У энди ҳечам чўнтагимдан айрилмайди. Эй азизам, булар Охиратга олиб борадиган йўлдаги белгилар. Кейин чамадонларни кўтарган ҳолда ушбу дуони такрорлай бошлади:

**“Парвардигорим, мени ва авлод-зурриётимни намозни тўқис адо этгувчи қилгил. Парвардигоро, дуоимни қабул айла. Парвардигоро, ҳисоб-китоб қилинадиган (Қиёмат) куни мени, ота-онамни ва (барча) мўминларни, мағфират қилгил”.**  
(«Иброҳим»- 40,41).